

ЎЗБЕКЛАРНИНГ “ҚОВЧИН” УРУҒИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР.  
(ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ)

Эргашев Умар Кузиевич

Иқтисодиёт ва педагогика университети нодавлат  
таълим муассасаси мустақил изланувчиси

**Аннотация:** Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд вилоятларидағи аҳоли масканларидан бир қанчасининг номи Қовчин, Юқори Қовчин, Паст Қовчин, Қовчинон кўринишида учраши ушбу атаманинг бежиз пайдо бўлмагани, бир-бирига узоқ-яқин бўлган бир неча вилоятда бундай номда қишлоқларнинг борлиги шунчаки тасодиф ёки ўз-ўзидан бўлмаганини, бир қарашда қандайдир нотаниш сўзга ўхшайдиган ушбу атаманинг негизи суриштирангиз қаршингизда тарихнинг биз билган ва билмаган қанча-қанча қоронгу сахифалари ойдинлаша бошлайди. Мақолада ушбу масалалар бўйича кўриб чиқилиб, таҳлил килиниб, улар тўғрисида мулоҳазалар келтирилган, шунингдек, ушбу масалалар бўйича айрим истиқболли маълумотлар муҳокама қилинган.

**Таянч сўзлар:** Қовчин, Юқори Қовчин, Паст Қовчин, Қовчинон, Потрон-қовчин, Гамак-қовчин, Ширкент-қовчин, Лаганди-қовчин, “бегузув”, “балхи”, “курпачувиш”, “бўзчи”, “кашмири”, “сулаймон”, “имом”, “бўйин”, “тўгал”, “туябўйин”.

ОТЗЫВЫ УЗБЕКОВ О СЕМЕНАХ" КАВЧИН" (ОАЗИС КАШҚАДАРЬИ)

Эргашев Умар Кузиевич (самостоятельный исследователь  
негосударственного образовательного учреждения экономико-  
педагогического университета

**Аннотация:** Название нескольких населенных пунктов в Кашкадарьинской, Сурхандарьинской, Бухарской, Самаркандской областях встречается в виде Кавчин, Верхний Кавчин, Нижний кавчин, Кавчинон. когда вы спрашиваете, сколько темных страниц истории, которые мы знаем и не знаем, начинают просвечивать перед вами. В статье рассматриваются, анализируются и приводятся рассуждения по этим вопросам, а также обсуждается некоторая перспективная информация по этим вопросам.

**Ключевые слова:** Кавчин, Верхний Кавчин, Нижний кавчин, Кавчинон, Потрон-кавчин, Гамак-кавчин, Ширкент-кавчин, Лаганди-кавчин, “бегузув”, “балхи”, “курпачувиш”, “бузчи”, “кашмири”, “сулайман”, “имам”, “буйин”, “тугал”, “туябўйин”.

## REFLECTIONS ON THE "KAVCHIN" SEED OF THE ИЗВЕКС (KASHKADARYA OASIS)

Ergashev Umar Kuziyevich (Inderependent researcher of the University of Ekonomies and Pedagogy nongovernmental educational establishment)

**Annotation:** The name of several localities in Kashkadarya, Surkhandarya, Bukhara, Samarkand regions occurs in the form of Kavchin, Upper Kavchin, Lower Kavchin, Kavchinon. when you ask how many dark pages of history that we know and don't know begin to shine through in front of you. The article discusses, analyzes and provides reasoning on these issues, as well as discusses some promising information on these issues.

**Key words:** Kavchin, Upper Kavchin, Lower Kavchin, Kavchinon, Potron-kavchin, Hammock-kavchin, Shirkent-kavchin, Lagandi-kavchin, "beguzuv", "balkhi", "kurpachuvish", "buzchi", "Kashmiri", "Sulaiman", "imam", "buyin", "tugal", "tuyabuyin".

Ўзбекистонда “Қовчин” номли аҳоли масканлари – қишлоқ, маҳалла, гўзар ва овуллар учрайди. Юртимизда, айниқса, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд вилоятларидағи аҳоли масканларидан бир қанчасининг номи Қовчин, Юқори Қовчин, Паст Қовчин, Қовчинон кўринишида учраши ушбу атаманинг бежиз пайдо бўлмагани, бир-бирига узоқ-яқин бўлган бир неча вилоятда бундай номда қишлоқларнинг борлиги шунчаки тасодиф ёки ўз-ўзидан бўлмаганини кўрсатади. Бир қараашда қандайdir нотаниш сўзга ўхшайдиган ушбу атаманинг негизи суриштирсангиз қаршингизда тарихнинг биз билган ва билмаган қанча-канча қоронгу сахифалари ойдинлаша бошлади.

Қашқадарё вилоятининг ўзаро туташ икки-уч туманида Қовчин деган қишлоқлар учраб, улар аҳолиси бир-бирларининг қариндош-уруғ деб биладилар. Қарши туманининг жанубий, Ғузор туманининг шимолий ва Қамаши туманининг ҳар иккала туманга туташ ҳудудларида Қовчин номли алоҳида-алоҳида қишлоқларнинг борлиги эса айтиб ўтилган туманлар аҳолисининг бир қисми тарихан ўзаро қариндош-уруғ бўлганидан дарак беради. Қашқадарё воҳасида яна шу номдаги бир қатор қишлоқлар учраши эса воҳада бундай топонимнинг пайдо бўлишининг негизида қандай тарихий жараёнлар ётиши масаласини тадқиқ қилишга ундейди. Воҳадаги Яккабоғ ва Китоб туманларида ҳам шу номдаги қишлоқ номининг учраши бунинг ёрқин мисолидир. Шунингдек, шу номдаги қишлоқлар Самарқанд вилоятининг Самарқанд ва Тайлоқ туманларида, Бухоро вилоятининг Когон ва Фиждувон туманларида аҳоли масканлари номи сифатида учрайди[1:172-173]. Бундан ташқари, Бойсун шахрида Қовчингўзар маҳалласи қайд этилган[2:173].

Гузор туманидаги Қовчин қишлоғи вакиллари келиб чиқиш жиҳатидан қўшни Қарши туманидаги Потрон-қовчин, Гамак-қовчин, Ширкент-қовчин, Лаганди-қовчин номли қишлоқлар бўлиб[3:377], Гузор ва Қарши туманлари, шунингдек, воҳадаги Қовчин номли қишлоқлар аҳолиси деярли бир вақтда воҳага келиб жойлашган бўлса керак.

ХХ аср бошларига тегишли аҳоли рўйхатларида Қашқадарё воҳасида 4640 нафар, хусусан, Қарши атрофидаги қовчинларнинг сони 3815, Шахрисабз атрофида 825 киши деб келтирилган[4:40]. 1920- йилларга тегишли статистик маълумотларда эса Ўзбекистонда яшовчи ўзбек қовчинларнинг сони 25 мингга яқин бўлиб, “бегузув”, “балхи”, “кўрпачувиш”, “бўзчи”, “кашмири”, “сулаймон”, “имом”, “бўйин”, “тўгал”, “туябўйин” каби тармоқ уруғлари бўлган[5:75].

Қовчин деган аҳоли масканлари номларининг айнан қачон учраши билан қизиққанимизда қуидаги тарихий манзарага дуч келдик:

1) Ўрта асрларда, яъни Чигатой улуси (XIV – XV асрлар) ва Темурийлар (1370-1507) даврида “қавчин” ёки “қовчин” номи йирик турк-мўғул уруғларидан бирининг номи сифатида форс, туркий ва мўғул тилли ёзма манбаларда учрайди[6:171-172];

2) Темурийлар даври тарихий ва адабий асрларида “қовчин” барлос, жалойир, орлот, сулдуз, қўнғирот каби кўчманчи уруғлари қаторида тилга олинниб, ушбу уруғ вакиллари сиёсий ва ҳарбий жараёнларда фаол иштирок этган шахслар сифатида тилга олинади[7:36,43,46,73];

3) XVI – XX асрлар оралиғида яратилган “92 бовли ўзбек уруғи”га алоқадор форсий ва туркий тилли шажара ва насабномаларда “қовчин” ўзбек уруғларидан бири сифатида қайд этилади[8:167];

4) Бухоро амирлиги (1753-1920) билан алоқали форсий тилли Қушбеги хужжатларида амирликка қарашли ўнлаб аҳоли масканлари – қишлоқлар Қовчин, Қовчинон номлари остида тилга олинади[9:77];

5) XIX – XX асрларга тегишли хорижий тилли асрларда, айниқса, Ўрта Осиёга ташриф буюрган элчи ва сайёхларнинг қайдларида Бухоро амирлиги ўзбекларининг йирик уруғларидан бири ўлароқ “қовчин”лар эслатиб ўтилади[10:15].

Ўзбек уруғлари рўйхати (“Насабнома”лар)да, шу жумладан, Сайфуддин Ахсикандийнинг “Мажмуъ ат-таворих” (Тарихлар жамламаси) асарида (XVI аср) “қовчин” ўзбек уруғларидан бири сифатида келтирилади. Қизифи, шундаки, ушбу рўйхатларнинг бир нечасида улар “батош” этноними билан ёнма-ён қайд этилади[11:167]. Қашқадарё воҳасида ҳам ушбу иккала уруғ номи билан аталувчи қишлоқларнинг кўпинча қўшни ёки яқин ҳудудларда жой олганлиги кўзга ташланади. Айниқса, Қарши ва Гузор туманларида Қовчин ва Батош қишлоқлари жойлашув ўрнига кўра ўзаро бир-бирига яқинлиги диққатни

тортади.

Бухоро амирлигига қарашли вилоят (беклик) ва туманларда “Қовчин”, “Қовчинон” номли ўнлаб қишлоқлар мавжуд бўлган. XX асрнинг бошлариға тегишли Қушбеги архиви ҳужжатларида Бухоро вилоятига қарашли Хайробод туманида Қовжин, Шимоли-и руд туманида эса Қовчин номли қишлоқ номлари тилга олинади. Шунингдек, ушбу ҳужжатларда Қарши беклигига қарашли Чим амлоклигига Қовчин, Патирон амлоклигига Қовчин-Патирон, Фазли амлоклигига эса Қовчин-Ширкент қишлоқларининг номи қайд этилади. Бундан ташқари, Қушбеги ҳужжатларида Яккабоғ беглигининг Қорабоғ амлоклигига қарашли бир қишлоқ Қовчин номи билан учрайди[12:77].

Қовчин муайян бир туркий уруғ ёки турк-мўғул элат сифатида ўрта аср ёзма манбаларида қўп бора эслатиб ўтилган бўлса-да, бошқа кўплаб турк-мўғул уруғларидан фарқли ҳолда асосан ўзбеклар таркибида тилга олинади. Қозок, қирғиз, туркман, бошқирд, нўғой ёки қорақалпоқларда шу ёки шунга ўхшаш бирор этноним учрамаслиги[13], аксинча қовчинлар кўпроқ Амударё – Сирдарё оралигидаги худудларда яшайдиган уруғ сифатида қайд этилиши ушбу уруғ вакилларининг асосан бугунги Ўзбекистон худудида ўтроқлашиб қолганини кўрсатади. Шунга ўхшаш ҳолат барлос, арлот, сулдуз, қарлуқ каби қайси бири туркий, қайси бири турк-мўғул уруғлари бўлган уруғларга ҳам тегишлидир. Маълумки, ушбу уруғларнинг сезиларли бир қисми, айниқса, барлос, арлот ва сулдузлар XIII асрнинг иккинчи чораги – XIV асрнинг бошларида Ўрта Осиёга Мўғалистон ва Олтой худудларидан кўчиб келган эдилар. Қовчинлар ҳам айнан ўша кезларда Чингизхон бошчилигидаги турк-мўғул уруғларининг ғарбга, асосан Ўрта Осиёнинг ички худудлариға кўчишлари даврида қўшин таркибида жой олган уруғ сифатида билинади[14:165-176].

Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” (“Вақое”) асарида отаси Умаршайх мирзонинг амирларини санагандан Али Мазидбек қавчин, Қосимбек қавчин ҳақида ёзиб, иккинчисининг Андижоннинг қадимий қўшин бекларидан бири эканига ургу беради[15:36]. Шунингдек, Бобур ўз асарида ўз даврида таниқли бек ва ҳарбий амалдорлар орасида Буғдо қавчин, Пирмуҳаммад элчи Буга қавчин, Муҳаммадқули қавчин, Мирзошоҳ қавчин, Миршоҳ қавчин ва бошқалар ҳақида эслатиб ўтади[16:42,46,53,72]. Бу эса Темурийлар қўшинида ва давлат бошқарувида қовчин уруғи вакилларининг ўзига хос ўрни бўлгани, қўшиннинг сезиларли бир қисмини ушбу уруғ вакиллари ташкил этганидан дарак беради.

В.В. Баротольднинг ёзишича, тарихий манбалар, шу жумладан, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асаридан маълум бўладики, “қовчин” сўзи бошланғичда муайян бир уруғ номи эмас, балки имтиёзли тоифа номи, «қўшин қўмондони» ёки «қўшин» маъносини англатиб, кейинчалик у этнонимга

айланган[17:171-172]. Элшунос олим Т. Нафсовнинг бир қатор тадқиқотчиларнинг қарашларига таяниб ёзишича, қовчин этонимининг сўнгги қисми -чин “одамлар”, “халқ” маъносини англатган бўлиб, ушбу этонимнинг бош қисми ўтмишда “қов / қав / қув” кўринишида бўлган. Бу сўзлар қу / қув “оққуш” маъносида бўлиб, ушбу этоним тотемдан келиб чиқкан. Тадқиқотчининг ёзишича, айрим изланувчилар қовчин этонимини мўғулча “хав” (эпчил, чаққон) ва “чин” (қаттиқ, енгилмас, оғишмайдиган, содиқ, кучли) сўзлари билан очиклайдилар: хавчин – қавчин – қовчин “эпчиллик, чаққонлик хусусиятларига эга” [18:377].

Қовчин этоними асли Олтин Ўрда (асосан, Даشتி Қипчоқ) ҳудудида шаклланган кўчманчи ўзбек, қозоқ, нўғой ва қорақалпоқ уруғларидан фарқли ҳолда айтиб ўтилган ҳудудда учрамайди. Кўринишидан, қовчинлар “92 ўзбек уруғи” рўйхатига XVI асрдан бошлаб ёки бирмунча кейинроқ киритилган уруғлардан бири бўлган. Буни Шайбонийлар қўшинида ўрин олган мангит, дўрман, қипчоқ, хитой, минг, юз, қирқ ва ҳоказолар орасида қовчин этоними учрамаслиги[19:16] ҳам тасдиқлайди. Бундан ташқари, ушбу қарашимизни юқорида айтиб ўтилганидек, қозоқ, нўғой, бошқирд, қорақалпоқлар таркибида бундай этоним мавжуд эмаслиги ҳам қўллаб-қувватлади.

Қисқса, дастлаб Мўғалистон ва атрофларида яшаган қўнғитирот, мангит, барлос, арлот, сулдуз, қатағон, қовчин ва ҳоказо каби асосий қисми туркий, сезиларли бир қисми эса турк-мўғул уруғларининг Чингизийлар даврида ғарбга ва жануби-ғарбга кўчишлари натижасида Ўрта Осиёда жадал этномаданий жараёнлар юз беради. Улар орасида етакчи уруғлардан бири бўлган қовчинлар бошланғичда Амударё – Сирдарё оралигининг бир қатор ҳудудларида тарқалган (масалан, Андижон атрофларида) бўлсалар-да, сўнгги ўрта асрларга келганда уларнинг жипс (компакт) бўлиб яшайдиган ҳудуди Қашқадарё воҳаси, айниқса, Қарши тумани бўлиб қолади. Бу ҳолат ушбу уруғ вакилларининг воҳада ўтроқлашиб, ўзларининг кўплаб қишлоқларига асос солишида ўз ифодасига эга.

#### Адабиётлар:

1. Қораев С. Географик номлар маъноси. Тошкент: Ўқитувчи, 1978. Б.172-173.
2. Қораев С. Географик номлар маъноси. – Б. 173.
3. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Т.: Муҳаррир, 2009. – Б. 377.
4. Туйчиев У. Родо-племенная структура узбеков в конце XIX – начале XX вв. Реферат. – Москва, 1982. – С. 40.
5. Охунов Н. Жой номлари таъбири. – Т.: “Ўзбекистон”, 1994. – Б. 75.
6. Бартольд В.В. Сочинение. Том V. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов. – М., 1968.– С. 171-172.
7. Бобур, Захириддин Муҳаммад. Бобурнома. Порсо ШАМСИЕВ, Содиқ МИРЗАЕВ, Эйжи МАНО ва Сайдбек ҲАСАНОВ нашрга тайёрлаган

- „Бобурнома“ асарини ҳозирги узбек тилига Ваҳоб РАҲМОНОВ ва Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА таржима қилган.– Тошкент: О‘qituvchi NMIU, 2008. – Б. 36, 43, 46, 73.
8. Султанов Т.И. Опыт анализа традиционных списков 92 «племен илатийа» // Средняя Азия в древности и средневековье. – М.: Наука, 1977. – С. 167.
  9. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – начало XX в.) / Материалы к исторической географии Средней Азии. Под. Ред. А.Р. Мухаммеджанова. – Т.: Университет, 2001. – С. 77.
  10. Хаников Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843. – С. 15.
  11. Султанов Т.И. Опыт анализа традиционных списков 92 «племен илатийа» Средняя Азия в древности и средневековье. – С. 167.
  12. Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX – начало XX в.). – С. 77.
  13. Атаниязов С. Этнонимы в туркменском языке. – Ашгабат: Ылым, 1994; Карагаев О. Кыргыз этнонимдер сөздүгү. – Бишкек, 2003; рейтов Р.Х. Ногайцы. Особенности этнической истории и бытовой культуры. – Ставрополь: «Сервисшкола», 2009; Кузеев Р. Г. К Происхождение башкирского народа. Этнический состав, история расселения / Р. Г. Кузеев. – 2-е изд., доп. – Уфа: Дизайн Полиграф Сервис, 2010; Алпысбес М. Шежире казахов: источнике и традиции. – Астана, 2013.
  14. Султанов Т.И. Опыт анализа традиционных списков 92 «племен илатийа». – С. 165176.
  15. Бобур, Заҳириддин Мұхаммад. Бобурнома. – Б. 36.
  16. Бобур, Заҳириддин Мұхаммад. Бобурнома. – Б. 42, 46, 53, 72.
  17. Бартольд В.В. Сочинение. Том V. Работы по истории и филологии тюрksких и монгольских народов. – С. 171-172.
  18. Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Б. 377.
  19. Ахмедов Б. Государство кочевых узбеков. – М.: Наука, 1965. – С. 16.